

АНДИЖОН ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА  
СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ  
А Ж Р И М И

2026 йил март ойининг 31 куни Андижон вилоят судининг жиноят ишлари  
бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанцияси очик суд мажлисида,

раислик қилувчи: А.Исаков,

ҳайъат судьялари: Ф.Собиров, У.Имомовадан иборат таркибда, судья  
катта ёрдамчиси Н.Юнусовнинг котиблигида, прокурор Ф.Абдумаликов,  
ҳимоячи Г.Иномова, судланганлар Б.Солиев ва А.Тўлқиновнинг иштирокида,  
судланган Б.Солиев ва А.Тўлқиновга оид жиноят ишини уларнинг  
шикоятларига асосан апелляция тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Хўжаобод туман судининг 2026 йил  
19 февралдаги ҳукмига асосан:

Солиев Бунёд Остонабой ўғли,  
1993 йил 27 сентябрда Хўжаобод туманида  
туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон  
фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, икки  
нафар фарзанди бор, муқаддам:

1) жиноят ишлари бўйича Қўрғонтепа туман  
судининг 2015 йил 27 июлдаги ҳукмига  
мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг  
227-моддаси 2-қисми “б” банди, 166-моддаси  
2-қисми “а” банди билан 3 йил ахлоқ тузатиш  
ишлари жазосига судланиб, 3.12.2015 йилдаги  
амнистия актига асосан жазодан озод  
қилинган;

2) Андижон вилоят суди жиноят ишлари  
бўйича судлов ҳайъати апелляция  
инстанциясининг 2023 йил 31 январдаги  
ажрими билан ўзгартирилган жиноят ишлари  
бўйича Хўжаобод туман судининг 2022 йил  
26 декабрдаги ҳукмига мувофиқ Ўзбекистон  
Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми  
билан 1 йил 8 ой 15 кун ахлоқ тузатиш ишлари  
жазосига судланиб, жиноят ишлари бўйича  
Хўжаобод туман судининг 2024 йил  
24 июндаги ажримига кўра, ахлоқ тузатиш



ишлари жазосининг ўталмаган 1 йил 4 ой 25 куни ЖКнинг 46-моддасининг 4-қисмига асосан шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Зафаробод туман судининг 2024 йил 14 декабрдаги ажрими билан жазонинг ўталмаган 1 йил 16 куни ЖК 74-моддасига асосан шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган;

3) жиноят ишлари бўйича Хўжаобод туман судининг 2025 йил 4 апрелдаги ҳукмига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “г” банди билан ЖКнинг 60,61-моддаларига асосан 4 йил 1 ой озодликни чеклаш жазосига судланган, жазони ўтамаган, Хўжаобод тумани, Бобур МФЙ, Олима кўчаси 100-уйда яшаган, ишламайди, иш бўйича қамоққа олиш эҳтиёт чораси қўлланилганга

Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан 5 йил озодликдан маҳрум қилиш, ЖКнинг 60,61-моддалари тартибида 5 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жазони қаттиқ тартибли колонияда ўташ белгиланган;

Тўлқинов Асилбек Лочинбек ўғли, 2007 йил 18 сентябрда маълумоти ўрта-махсус, Ўзбекистон фуқароси, бўйдоқ, муқаддам судланмаган, Хўжаобод тумани, Баҳрин МФЙ, Гузар кўчаси, 12-уйда яшаган, иш бўйича шахсий кафилик эҳтиёт чораси қўлланилганга

Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 2-қисмининг “в” банди билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб, 2 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, манзил-колонияларда ўташ;

Судланувчи Б.Солиев ва А.Тўлқиновлардан фуқаровий даъвогар Н.Ирматовга 13.580.000 сўм жиноят оқибатида етказилган зарар солидар тартибда ундириш белгиланган.

Суднинг ҳукмига кўра, хавfli рецидивист Б.Солиев А.Тўлқинов билан бир гуруҳ бўлиб, 2025 йил 3 октябрь куни соат 15:30 ларда Хўжаобод тумани, Бобур МФЙ, Олима кўчасидан А.Азизовнинг жами 21.120.000 сўмлик 2 та 6 метрли ва 4 та 7.5 метрли темир маҳсулотларини яширин равишда ўғрилаганликда айбли деб топилганлар.

Судланган А.Тўлқинов апелляция шикоятда, қилмишидан пушаймонлиги, оилавий шароити оғирлиги, ёшлигини, муқаддам судланмаганини инобатга олиб, қамоқ билан боғирлик бўлмаган жазо тайинлашни сўраган.



Судланган Б.Солиев апелляция шикоятда, айбига тўлиқ иқrorлиги, оиласи, вояга етмаган фарзандларининг ягона боқувчиси экани, қилмишидан пушаймонлигини билдириб, жазони енгиллатишни сўраган.

Жабрланувчи А.Азизов келтирилган шикоятларга эътирози йўқлигини, фуқаровий даъвогар Н.Ирматов ўз эътирозномасида етказилган зарарни ундириб беришни сўраган.

Судлов ҳайъати иш бўйича вилоят судининг судьяси У.Имомованинг маърузасини, прокурор Ф.Абдумаликовнинг ҳукми ўзгаришсиз қолдириш, ҳимоячи Г.Иномова, судланганлар А.Тўлқинов, Б.Солиевнинг апелляция шикоятларини қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, апелляция шикоятларидаги важларни иш ҳужжатлари билан бирга таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра суд ҳукмининг судланган А.Тўлқиновга оид қисмини ўзгартириб, унинг апелляция шикоятини қаноатлантиришни лозим топди.

Суд иш тафсилотларини тўғри аниқлаб, судланганлар А.Тўлқинов, Б.Солиевнинг айблари исботланганлиги ҳақида асосли хулосага келган бўлиб, шикоятларида улар айблилик масаласига эътироз билдиришмаган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 8-моддасида жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсларга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилona бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбининг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги, 54-моддасида суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, айбдорнинг шахсини ҳамда енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларини ҳисобга олиши;

Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 1-бандида жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципига қатъий амал қилишга қаратилиши, 5-бандида судлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган, шунингдек унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган ва жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатилиши мумкин бўлган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинлаш учун қонунда мавжуд барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланишлари кераклиги, Қонун нормаси санкциясида альтернатив жазолар мавжуд бўлганда ҳукмда озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазони қўллаш зарурлиги тўғрисидаги масала муҳокама этилиши шартлиги ҳақида раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Биринчи босқич суди, Б.Солиевга нисбатан юқоридаги Қонун ва Пленум қарорлари талабларига риоя қилиб, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, унинг шахсини, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи барча ҳолатларни инобатга олган ҳолда унга нисбатан қилмишига мувофиқ муддатга содир этилган жиноят учун қонунда назарда



тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш ҳақида тўғри тўхтамга келган бўлса-да, А.Тўлқиновга нисбатан бирмунча оғир жазо тайинлаган.

Юқоридагиларга асосан апелляция инстанцияси ҳукмнинг судланган А.Тўлқиновга оид қисмини ўзгартириб, уни муқаддам судланмагани, содир этилган қилмиш унча оғир бўлмаган жиноятлар туркумига киришини, ёшлигини эътиборга олиб, уни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузалишга имкон берилиши лозим деб ҳисоблаб, ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, ҳукмнинг қолган қисмини ўзгаришсиз, судланган Б.Солиевнинг апелляция шикоятини қаноатлантирмасдан қолдиришни, судланган А.Тўлқиновнинг апелляция шикоятини қаноатлантиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 49726, 49731-моддаларига амал қилиб, апелляция инстанцияси

### А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Тўлқинов Асилбек Лочинбек ўғлига нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Хўжаобод туман судининг 2026 йил 19 февралдаги ҳукми ўзгартирилсин.

Тўлқинов Асилбек Лочинбек ўғлига Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 2-қисмининг “в” банди билан иш ҳақининг 20 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

А.Тўлқиновни 2026 йил 19 февралдан 2026 йил 31 мартга қадар қамоқда сақланган 40 куннинг ҳар бир кунини ахлоқ тузатиш ишларининг 3 кунига, яъни 4 ойига тенглаштириб, тайинланган жазодан ЖКнинг 62-моддаси тартибида чегирилиб, ўташ учун 1 йил 8 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдирилсин.

А.Тўлқиновга нисбатан қўлланилган қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси бекор қилинсин ва у дарҳол суд залидан қамоқдан озод қилинсин.

Ҳукмнинг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилсин, А.Тўлқиновнинг апелляция шикояти қаноатлантирилсин, Б.Солиевнинг апелляция шикояти қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Ажримдан норози тарафлар Андижон вилоят судига тафтиш тартибида шикоят беришга ёки протест билдиришга ҳақли.

Раислик қилувчи  
Ҳайъат судьялари

имзо  
имзолар

Ажрим нусхаси аслига тўғри,  
вилоят суди судьяси

У.Имомова

